IQRO JURNALI / 2023
GUVOHNOMA № 060680
E-ISSN : 2181-4341
https://wordlyknowledge.uz
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934
VOLUME 7, ISSUE 1, 2023

ТИББИЙ КИМЁ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Хўжаниёзов Шержон Бекбоевич

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали

Ўтган йиллар ичида кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, янги давлат таълим стандартларини яратиш, ўқув жараёнига янги ахборот –коммуникацион, педагогик, таълим технологияларини жорий этиш, ҳозирги замон талабидан келиб чиққан ҳолда малакали тиббиёт ходимларини тайёрлаш бўйича республикамизда таълим соҳасида катта ислоҳотлар амалга оширилди. Тиббиёт ходимларини профессионал билим даражасини ошириш мақсадида кадрлар тайёрлашни бир нечта босқичларда олиб бориш тизими яратилди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматнинг сифати ва самарасини ошириш учун тиббиёт ходимларида, айниқса тиббиёт кадрларини тайёрлашга масъул бўлган профессор – ўқитувчиларининг тиббий кимё фани бўйича билим, кўникма ва малакаларини ошириш ҳозирги даврнинг долзарб масалаларидан биридир.

Тиббий кимё – бу тиббиёт фанларидан бири бўлиб, одам организмидаги кимёвий элементлар, моддалар ва уларнинг организмдаги ўзгаришларини ўрганади ва улар натижасида вужудга келадиган турли хил патологик холатларни келиб чиқиш сабабларига тўхталади.

Замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Қисқа вақт орасида муайян назарий билимларни талабаларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан кўникма ва малакаларни хосил қилиш, шунингдек, талабалар фаолиятини назорат қилиш, улар томонидан эгалланган билим, кўникма ва малакалар даражасини баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳоратни ҳамда таълим жараёнига нисбатан янгича ёндашувни талаб этади.

Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерфаол усуллар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда талабага фақат тайёр билимларни эгаллашга ўрганилган бўлса, замонавий

VOLUME 7, ISSUE 1, 2023

технологиялар уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганишларига, таҳлил қилишларига, хатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахсни ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Шунинг учун таълим муассасаларида тиббий кимё фанини замонавий ўқитиш усуллари, интерфаол усуллар, инновацион технологияларнинг ўрни ва роли бениҳоя каттадир.

Ҳар қандай технология таълимнинг янги мазмунини шакллантирувчи таълим тамойилларига асосланади ва таълим олувчи шахсини тарбиялаш, унда меҳнат ва муайян йўналишларда касбий кўникмаларни ҳосил қилишга йўналтиради. Таълим жараёнининг фаол субъектлари ўқитувчи ва талабалар бўлиб, уларнинг ҳамкорликдаги фаолиятлари муайян мавзу (ёки фанлар асослари) бўйича кам куч ва вақт сарфланган ҳолда назарий ва амалий билимларни чуқур ўзлаштириш имконини берувчи жараённинг умумий моҳиятини тавсифлайди.

Таълим-тарбия жараёни бутун машғулот давомида талабаларнинг фаоллиги ва қизиқувчанлигини мунтазам равишда ривожлантириб бориш мақсадини кўзда тутади, ўқув омилларини яратишга асосланган замонавий технология талабаларни ўқув ёки ўқув ишлаб чиқариш фаолиятига тезкор жалб қилиш имконини беради. Акс ҳолда, заиф, етарли даражада тушунарли бўлмаган ёки аниқ натижани кўзламаган топшириқлар машғулотнинг самарасиз якунланишига олиб келади.

Тиббий кимёни ўқитишда замонавий ёндашувнинг мақсади аниқ масалалар қўйиш орқали талабани ўйлашга, мустақил фикрлашга одатлантиришга қаратилгандир. Бугунги кунда барча соҳалардаги ахборотларнинг шиддат билан кириб келиши олий таълим муассасаларида инновацион жараёнларни тизимли бошқаришни йўлга қўйишни талаб этмоқда.

Маълумки, бугунги кунда узлуксиз таълим тизими, шу жумладан, олий таълим тизимининг рақобатбардош мутахассислар тайёрлашдаги ролини ошириш кўп жиҳатдан мазкур таълим муассасаларидаги инновацион жараёнларни тизимли бошқаришга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Чунки инновацион жараёнларни тизимли бошқариш олий таълим тизимидаги ўқув жараёни

VOLUME 7, ISSUE 1, 2023

самарадорлигини таъминлаш ва юқори салоҳиятга эга кадрларни тайёрлашнинг муҳим омилидир.

Хулоса қилиб айтганда олий таълим тизимида мавжуд ёки янги эҳтиёжларни қондириш учун янгиликларни яратиш, жорий этиш, ўзлаштириш ва фойдаланишга доир фаолият инновацион жараёндир. Мазкур фаолиятнинг олий таълим тизимида мақсадга йўналтирилган ўзгаришларга олиб келувчи ташкилий шакли янгиликлар киритишдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўз.Р. Президенти қарори. 02.27.2020 йил. Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида.
2. Ўз.Р. Президенти фармони. ПФ-5847 08.10.2010 йил. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида.
3. Глыбочко П.В. Основные задачи развития медицинского и фармацевтического образования в ходе исполнения Федерального закона «Об основах охраны здоровья граждан в Российской Федерации» //Медицинское образование и вузовская наука. - 2012. - № 1. -С. 12-15.
4. Литвинова Т.Н. “Инновационный подход к обучению общей химии студентов медицинского вуза”. Успехи современного естествознания №1. 2005 г.
5. МАШАРИПОВ, ОО; БЕКЧАНОВ, БГ; ,ВЕСТНИК НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ,ВЕСТНИК НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ Учредители: Олимп,9,,84-87,,
6. Нуралиев, НА; Бектимиров, АМТ; Рахманова, СС; Машарипов, О; Машарипов, ВУ; ,Методические основы разработки иммуноферментной тест-системы на основе бактериальных антигенов,Методические рекомендации.-Ургенч,,,,2006,
7. Машарипов, О; ,Характеристика специфического антимикробного иммунитета при остром и хроническом тонзиллите,,,,,2012,автореф. дис.... кан. мед. наук Ташкент.
8. Машарипов, Отабой Олимович; ,Самые опасные глобальные инфекции на современном этапе,Вестник науки и образования,,5-1 (136),79-83,2023,ООО «Олимп»

VOLUME 7, ISSUE 1, 2023

9. Rakhimov, Bakhtiyar; Rakhimova, Feroza; Sobirova, Sabokhat; Allaberganov, Odilbek; ,Mathematical Bases Of Parallel Algorithms For The Creation Of Medical Databases,InterConf,,,,2021,

10. Saidovich, Rakhimov Bakhtiyar; Bakhtiyarovich, Saidov Atabek; Farkhodovich, Babajanov Boburbek; Ugli, Karimov Doston Alisher; Qizi, Musaeva Mukhtasar Zayirjon; ,Analysis And Using of the Features Graphics Processors for Medical Problems,Texas Journal of Medical Science,7,,105-110,2022,

11. Rakhimov, Bakhtiyar Saidovich; Saidov, Atabek Bakhtiyarovich; Allayarova, Asal Akbarovna; ,Using the Model in Cuda and Opencl for Medical Signals,International Journal on Orange Technologies,4,10,84-86,2022,Research Parks Publishing

12. Рахимов, Бахтияр Саидович; Жуманиёзов, Сардор Пирназарович,Аппаратно-ориентированный алгоритм вычисления коэффициентов в базисах J-функций,Актуальные вопросы технических наук,,,59-62,2015,

WORDLY
KNOWLEDGE